ҲАММА ШАНБАЛИККА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 76 (5680).

17 АПРЕЛЬ ШАНБА

1976 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ШАНБАЛИКЛАР... БУТУН ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖИ УЧУН КЕНГ СУРАТДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ТЕКИН МЕҲНАТ ТАРИҚАСИДА, ЭСКИ КАПИТАЛИСТИК ҚОИДАЛАРНИНГ ҲАММАСИНИ БУЗИБ ТАШЛАБ, ЎЗИГА ЙЎЛ ОЧАДИГАН БУТУНЛАЙ ЯНГИ БИР НАРСАНИНГ, КАПИТАЛИЗМНИ ЕНГАДИГАН СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДАН ҲАМ ЮҚОРИРОҚ БИР НАРСАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАНЛИГИНИ ВА ПАЙДО БЎЛАЁТГАНЛИГИНИ КЎРСАТАДИ».

В. И. ЛЕНИН.

ШОНЛИ АНЪАНА

Коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини собит қадамлик билан яратаётган меҳнатсевар, олийҳиммат, оташқалб халқимизнинг нурафшон истиқболин яқинлаштириш, совет кишиларида коммунистик фазилатларни мужассамлаштиришга хизмат қиладиган ажойиб анъаналари бор. Ярим асрдан ортиқроқ тарихга эга бўлган Коммунистик шанбаликлар шундай анъаналарнинг энг муқаддас, энг олийжанобларидан бири ҳисобланади.

Ҳар йили апрель ойи шанбаларининг биринда ўтказилаётган бу меҳнат байрами совет кишиларининг она-Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилаётган, халқимизни ғалабадан-ғалабага бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партиямиз ишига садоқатлари чексиз эканлигини, у белгилаб берган барча режаларни амалга оширишга йўлида бир тан бир жон бўлиб фидокорлик намуналарини кўрсатишга тайёр турганликларини бутун дунё олдида ёрқин намойиш қилмоқда.

КПСС ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунга бағишлаб ўтказилаётган бу умумхалқ хашарлари дастлабки шанбаликларнинг узвий давоми ва ривожланган, мазмунан бойнган кўринишидир. Социалистик жамиятимизнинг дастлабки йилларида, биринчи жаҳон ва граждандар урушлари давомида хонавайрон бўлган экономикани тезроқ тиклаш ишига оз бўлса ҳам ҳисса қўшиш мақсадида бўлиб ўтган биринчи шанбаликларда фақат ишчилар қатнашган эди. Эндиликда эса у умумхалқ иши бўлиб қолди, шанбаликларда барча совет кишилари — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар фаол қатнашмоқдалар. Совет кишиларининг сиёсий онги ва меҳнат активлиги ошган сари умумхалқ ҳашарлари тобора кенгайиб, оммалашиб боряпти.

Мамлакатимизда Коммунистик шанбаликлар ўтказиш бундан салкам 60 йил илгари бошланган эди. Бу ажойиб ватанпарварлик ҳаракати 1919 йилнинг апрель ойида Москва-Сортировочная депосида туғилди. Депонинг бир группа коммунистлари ва уларга ҳайриҳоҳ ишчилар дастлабки шанбаликни ўтказишди. Улар ишдан кейин қолиб паравозларни ремонт қилишди. Уша вақтда вайрон бўлган темир йўл транспортини тиклашга ҳисса қўшиш ниятиёқи уларни шу ишга бошлаган эди. Лекин дастлабки шанбалик ниятрокчилари бу билан жуда катта бир тарихий воқеага иштирок этаётганликларини ҳаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

Улуғ доҳий бу шанбаликлар мисолида социалистик революциядан кейин эркин меҳнатнинг қарор топиши натижасида кишилар онгида рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар негизида пайдо бўлганлигини дарҳол пайқади. У шунинг учун ҳам шанбаликларнинг жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни «Буюк почин» деб атади, ишчиларнинг бепул ишлаш, мамлакат бойлигига бойлик қўшиш, меҳнатни улуғлашга қаратилган бу ташаббусни кенг кўламда ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Шунинг учун ҳам бу шонли ҳаракатда пайдо бўлган коммунизм куртаклари муттасил камол топиб бормоқда.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам анъанавий шанбаликларда тобора фаол иштирок этмоқдалар. Шанбаликлар самараси йил сайин ортиб бормоқда. Бунн биргина ўтган йилдаги умумхалқ хашари мисолида яққол кўриш мумкин. 1975 йилнинг 19 апрелида ўтган шанбаликда 1,5 миллиондан ортиқ ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, пенсионерлар, студентлар ва ўқувчилар иштирок этишди. 320 минг кишига яқин кончилар ва шахтёрлар, машинасозлар ва металлургларг, энергетиклар ва бошқа касб эгаси бўлган саноатчилар ўзларининг меҳнат постларида бўлишди, кўплаб турли-туман саноат буюмлари ишлаб чиқаришди. 10 миллион 200 минг сўмлик ялпи саноат маҳсулоти тайёрланди. Юз мингдаб меҳнаткашлар қурилиш майдонларида ишладилар, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан банд бўлдилар. Беш йиллик фондига ўтказилган жамғарма миқдори 1 миллион 250 минг сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бу маблағлар халқимиз фаровонлигини оширишга, соғлиқни сақлаш, халқ маорифини ривожлантиришга сарфланмоқда. Масалан, шундай шанбаликлардан тушган пул ҳисобига республикамиз пойтахтида кўп профилли касалхона қурилмоқда.

Бугун улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин таваллудининг 106 йиллигина бағишлаб шанбалик ўтади. У КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши мисли кўрилмаган даражада авж олган, совет кишиларнинг ғоявий ва меҳнат кўтаринкилиги ниҳоятда юксалган бир вазиятга тўғри келди. Областимиз меҳнаткашлари бу шанбаликка пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар бугун оддий иш куналаридагига нисбатан анча юқорироқ юксак меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилишган.

Областимиз бўйича шанбаликда, дастлабки ҳисобларга қараганда 1 миллион 600 мингга яқин киши иштирок этади. 550 мингга яқин ишчилар, бинокорлар, транспортчилар, деҳқонлар, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, объектларни бунёд этиш, халқ хўжалик юкларини ташиш, дала ишларини амалга ошириш билан шуғулланадилар. Улар 10 миллион сўмликдан кўпроқ ялпи маҳсулот тайёрлашади.

Шаҳарлар, қишлоқлар, посёлкалар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Ўнинчи беш йиллик фондига 1 миллион 400 минг сўмлик иш ҳақи ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Шанбалик ишчи коржомасидаги меҳнат байрамидир. Умумхалқ ҳашари Совет халқининг социал-сиёсий ва ғоявий яқдиллигини, меҳнаткашларнинг коммунистик партия тенарагига мустаҳкам жипсланганлигини, улар КПСС XXV съезди тарихий қарорларини тўла-тўкис амалга оширишга, социалистик экономикани тез суръатлар билан ривожлантиришга қатъий қарор қилганликларини яна бир бор намойиш қилади. КПСС Марказий Комитетининг майолди Чақириқларида айтилганидек:

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз кучқудратини ва халқ фаровонлигини тинмай оширишнинг негизи бўлган социалистик экономикани янада юксалтириш учун сабот билан курашингиз!

— ҲАММА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА!

В. И. ЛЕНИН ШАНБАЛИКДА.

РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИ ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

СССР Конституцияси, иттифоқдош республикалар конституцияларига ва суд тузилиши тўғрисидаги қонунга мувофиқ 1976 йил 11 апрелда район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтди. Сайлов кампанияси ҳамма жойда КПСС XXV съезди қарорлари туфайли юксак сиёсий меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ўтди.

Халқ судьяларининг ҳисоботлари ва номзодларнинг сайловчилар билан бўлган учрашувлари чоғида одил судловни амалга ошириш практикасини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни бузишнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий пропагандани кучайтириш хусусида конкрет таклифлар ва истаклар айтилди. Бу таклиф ва истакларнинг рўёбга чиқарилиши суд органларининг фаолиятини янада яхшилашга ёрдам беради.

Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларидан олинган маълумотларга кўра, сайлов район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисидаги Низомга тўла мувофиқ тарзда сайловчиларнинг юксак активлиги вазиятида уюшқоқлик билан ўтди.

Овоз беришни ўтказиш учун иттифоқдош республикаларда 163.697 сайлов участкаси ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирида участка сайлов комиссияси тузилган эди. Халқ судьяларини сайлаш юзасидан сайлов комиссияларининг ишида жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективларининг 1.344.807 вакили иштирок этди; улар орасида 658.609 ишчи ва колхозчи, 743.170 нафар партиясиз бор эди.

Умуман мамлакатда овоз беришда рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 99,98 процента қатнашди. Сайловда қатнашган сайловчиларнинг 99,87 проценти халқ судьялари номзодлари учун овоз берди.

Овоз бериш натижасида рўйхатга олинган номзодларнинг ҳаммаси мутлақ кўпчилик овоз олиб, халқ судьялари қилиб сайланди.

Район (шаҳар) халқ судларига жами 9.230 халқ судьяси сайланди. Уларнинг асосий кўпчилиги — 94,8 процента олий юридик маълумотли, уларнинг ҳаммаси юстиция, суд ва прокуратура органларида совет, жамоат ташкилотларида, ишлаб чиқаришда амалий иш тажрибасига эга бўлган кишилардир. Халқ судьяларининг 3.020 нафари (32,7 процента) хотин-қизлар, 2.265 нафари (24,5 процента) биринчи марта сайланган кишилардир.

Бешта сайлов округида номзодлар рўйхатдан чиқиб қолганлиги сабабли шу округларда халқ судьялари сайлови ўтказилмади ва яқин вақт ичида сайлов ўтказилади.

Сайлов якунлари, халқ судьялари номзодлари учун яқдиллик билан овоз берилганлиги совет кишиларининг юксак сиёсий онглилигини, улар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ички ва ташқи сиёсатини, Совет давлатчилигини, социалистик демократиянн янада такомиллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботки изчиллик билан мустаҳкамлаш юзасидан Ленин партияси оғишмай ўтказаётган йўлни яқдиллик билан маъқуллаганликларини яна бир бор кўрсатди. (ТАСС).

ЛЕНИН ВА ПАРТИЯ ИШИГА СОДИҚМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ

Ўзбекистон ёзувчиларининг 16 апрель куни ўз ишини тамомлаган съезди делегатлари коммунизм, партия идеалларига садоқат, халққа фидокорона хизмат қилиш, ўзларининг бутун талантлари ва кучларини партия XXV съезди белгилаб берган режаларни рўёбга чиқаришга сарфлашга интилиш тўғрисида гапирдилар.

Ёзувчилар ҳали халқдан қарздордирлар. Яхши асарлар билан бирга бачкана масалалар кўтарилаётган, актуал тема эса атрофлича очиб берилмаётган юзаки асарлар ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Биз, деди ёзувчи Асқад Мухтор, том маънодаги ҳаётни тасвирлашимиз керак. Ёзувчи Ҳамид Ғулом, адабиётшунослардан Н. Шукуров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори М. Қўшчонов образларнинг, адабий қаҳрамонларнинг граждан лик фазилатларига, социологик моҳиятига тўхталиб ўтдилар.

Съезд қатнашчилари ўзбек совет адабиётининг ҳамма жанрларига эътибор бердилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Султонов драматургия тўғрисида гапириб, республика театрлари замоннинг катта талабларига муносиб бўлган янги пьесаларга муҳтож эканлигини қайд қилди. Баъзи драматурглар театр қонунларини яхши билмаслиги сабабли айрим пьесалардаги саҳналар мувафақиятсиз чиқмоқда, деб таъкидлади у.

Съездда ёзувчиларнинг ижодий активлигини янада кучайтиришга, нашриётчилик фаолиятини яхшилашга, ёзувчилар ва танқидчилар маҳоратини оширишга қаратилган конкрет таклифлар айтилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчилари М. Шевердин, Н. Сафаров, адабиётшунос О. Шарафиддинов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари У. Сайдаматов шу ҳақда гапирдилар.

Шукрулло, Эркин Воҳидов, А. Ориповлар ўз нутқларини шоирга, унинг адабиётни ривожлантиришдаги ролига бағишладилар.

Қардош республикалар ёзувчиларининг вакиллари — А. Д. Коптяева, В. А. Гнатовский, Г. И. Бородулин, Р. Эсенов, Б. Тоғисбоев, А. Сайфуллаев, А. Дадашзода, В. Саулцерите, М. Абдулқосимова, Р. Бронюслар Ўзбекистон адибларини самимий табрикладилар. Россия Федерациясининг шаҳар ва қишлоқларида, Эстония, Латвия, Украина, Тожикистон ва Арманистонда, бошқа республикаларда Алишер Навоийнинг асарларини, Ҳамзанинг революцион қўшиқларини, Ғафур Ғулом ва Ойбек, Зулфия ва Уйғунниинг асарларини, ёш адибларнинг ҳикоя ва қиссаларини ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Ўзбек адибларининг асарлари билан китобхонларни таништираётган ёзувчи ва таржимонлар — Г. Марков, Н. Тихонов, Н. Грибачев, С. Липкин, Ю. Карасев, С. Кузнецова, Р. Казакова, Р. Марин ва бошқалар шаънига съездда илиқ сўзлар айтилди.

Съездда яқдилик билан қабул этилган резолюцияда ёзувчилар КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни бажаришга тайёр эканликларини айтдилар.

Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан мактуб қабул қилдилар.

Съезд ижодий союз правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составини, СССР ёзувчиларининг олтинчи съездига делегатлар сайлади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи янги правлениесининг пленуми бўлиб, унда правление секретариати сайланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин биринчи секретарь қилиб, Р. Бобожон, Н. Нарзуллаев, Б. Пармузин, И. Юсупов секретарлар қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз ишчилари сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўнғич йилида зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Мана, кафтдек теккис кенг дала. Бир ёқда чопиқ тракторлари карам кучатларига ишлов бермоқда. Холхўжа Азаматов бошлиқ бригада аъзоларининг қуллариқўлларига тегмайди. Совхознинг бош агрономи Иззатулла Эргашев ишнинг боришини кўздан кечириб юрибди.

Совхозинг Қорабой Ҳамроев, Оиҳужа Ғаҳматов, Жўра Бердиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам иш қизғин.

Совхоз миришкорлари оу йил ҳар гектар ердан 24 тонна карам, 27 тонна помидор, 13 тонна ошқовоқ ҳосили оладилар. Дон учун 120 гектар ерга маккажухори экилди. Маккажухорининг гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштирилади.

Б. СУЛАИМОНОВ.
Б. САИДАЛИЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЙИҒИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум қатнашчилари Тошкент ташкилоти правлениесининг раиси, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори А. И. Исмоиловнинг «КПСС XXV съезди қарорлари ва журналистларнинг вазифалари» мавзуидаги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан резолюция қабул қилинди.

ГЎШТ, СУТ, ТУХУМ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

ЧОРВАДОРЛАР ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТАВСИЯЛАРИ

Чорвачиликни ривожлантириш, наслчилик ишларини яхшилаш, ем-хашак етиштиришни кўпайтириш мақсадларида область колхозлари ва совхозларида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:

Бу йил баҳор серёғин келганлиги туфайли табиий ўтларнинг, бошоқли дон экинларнинг яхши ўсиб, ривожланиши кутилмоқда.

Ана шуни ҳисобга олиб, табиий ўтлардан пичан ва сомон тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказиш зарур: 20 апрелга қадар хашак ўрадиган техникани ремонт қилиш ва тайёрлашни тугаллаш, беданинг биринчи ўрими бошлангунга қадар оу экин майдонларида фитономусга қарши қўшимча ишлов бериши йўлга қўйиш лозим. Шунингдек эски беда зорларни биринчи ўрим бошлангунга қадар 20 апрелдан кечиктирмасдан биринчи сув берилади. 18—20 майга қадар биринчи ўрим тугалланиши, иккинчи ўрим эса 15 майдан 10 июнга қадар, учинчи ўрим 5 июлга қадар ўтказилиши даркор.

Беданинг биринчи ўримидан 185 минг тонна ёки қишлов даврида чорванинг эҳтиёжига нисбатан 80 процент сеноаж бостириш керак.

Табиий пичанзорлар, яўл, карта чеккалари, ариқ ёетларида ўсган ўтларни ўриб олишни оммавий ташкил этиш ва ана шу йўл билан ҳар бир хўжаликда икки йиллик хашак запасининг жамғарилишини таъминлаш талаб этилади. Бўстонлиқ, Оҳангарон, ва Юқори Чирчиқ районларининг тоғли зоналарида табиий ўтлардан ҳар бир совлиқ қўй ҳисобига 100 килограмм ҳисобидан сенаж тайёрлашга ўтиш мақсадга мувофиқдир.

20 июнга қадар ғалла ўрадиган комбайнларни хашак қирқадиган механизмлар билан ускуналаш, ўримни поток усулида ташкил этиш ва сомонни ғарамлаш учун волокушкаларни тайёрлаб қўйиш лозим.

1 майга қадар ўт ва хашак уни тайёрлаш учун зарур бўладиган барча АВМ қурилмалари, майдалаб-қирқувчи машиналар ва бошқа агрегатларни созлаб, ремонтдан чиқариб қўйиш, шунингдек, грануляторлар ва аралаш ем, аралаш озуқалар тайёрлайдиган цехларни ҳозирлаб қўйиш зарур. Беданинг биринчи икки ўрими ҳисобига ўт уни ва майдаланган хашак тайёрлаш планини бажариш, ана шу мақсадда табиий ўтлардан, айниқса ёш қамиш поя ларидан кенг фойдаланиш даркор.

25 апрелга қадар ҳар бир хўжаликда қўшимча равишда хашакн лавлаги, ариқларнинг четларига эса ва тутзорларнинг қатор ораларига қовоқ экиш керак.

20 июнга қадар силос траншеяларини ремонт қилиш ва қўшимчаларини қуришни тугаллаш талаб этилади. Бунда 1977 йилда эрта муддатларда қўзилатиш учун мўлжалланган совлиқлар ҳам ҳисобга олиниб, ҳар бир совлиқ ҳисобига 50 килограмм ҳисобидан силос бостирилади.

Ҳар бир хўжаликда омборларда сақлаш учун карбамид (мочевина)лар бўлиши керак. У силос бостириш пайтида керак бўлади, ҳар бир тонна силос массаси учун ҳам деганда 3 килограммдан ишлатилади.

2. ГЎШТ, СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА:

20 апрелдан кечикмасдан ҳар бир хўжаликда сигирларни кўк озуқа билан озиқлантириш таъмин этилсин. 1 майдан бошлаб сигирлар ўт билан тўйдириб боқилиши керак. Апрель ойида ҳар бош соғин сигирдан 275 килограммдан, май ойида 300 килограммдан, июнь ойида 300 килограммдан сут соғиб олинишига эришиш лозим.

Қўй ва эчкилар жунини қирқишни ўз вақтида ўтказилишини таъмин этайлик: дағал ва ярим дағал жунли қўй-эчки жуни 25 апрелдан 15 майгача, майин жунли ва кроссбред типидаги қўйларнинг жуни 1 майдан 25 майгача қирқиб бўлиниши керак. Қуй ва эчкилар жуни қирқиб бўлингач, беш кун давомида профилактик мақсадларда чўмилтирилади.

1 июнга қадар бу йил гўшт учун фойдаланиладиган ва бўрдоқига қўйиладиган қўй ва эчкиларни ажратишни тугаллаш керак. Бунинг учун ихтисослаштирилган отарлар ташкил этилади. Ориқ қўйларни сўйиб юборилишига чек қўйиш лозим; чорвани семиртириш ва бўрдоқига боқиш планини бажариш учун колхозлараро бўрдоқичилик базалари ва хўжаликларда 8200 бош қарамолни, 16 минг бош қўйни бўрдоқига қўйиш, бўрдоқига қўйилган қорамолларнинг бир кеча кундузда кам деганда 800 грамм семиришига эришиш лозим.

Гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача оғирлиги кам деганда 420 килограмм, чўчқаларнинг оғирлиги 110 килограмм, қўйларнинг оғирлиги 50 килограмм бўлишини, реализация қилинадиган молларнинг умумий ҳажмига нисбатан кам деганда 90 процентни юқори семизликда сотилишини таъминлайлик.

3. МОЛЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА:

20 июнга қадар наслчилик асосн учун қўшимча 1010 бош сигир ажратилсин.

Бекобод, («Коммунизм» колхози), Қуйи Чирчиқ (Энгельс номли колхоз), Янгийўл («Партия XXI съезди» колхози) ва Оҳангарон район («Олмалиқ» совхозида)ларида ғунажинлар боқиб ўстириладиган ихтисослаштирилган фермалар фойдаланишга топширилиши керак;

— апрель ойида қорамоллардан 10 та бонитер тайёрланиши лозим;

— сигирлар ва ғунажинларни сунъий урчитиш учун Бўка ва Ўрта Чирчиқ районларида 2 та кооператив ташкил этилсин;

— шу йилнинг иккинчи кварталида 14 минг сигир ва ғунажини сунъий уруғлантирилиши лозим;

— иккинчи кварталда 300 бош наслли ёш қорамол, 800 бош қўчқор, 100 бош чўчка тайёрланиши керак;

— 5 майга қадар 15 минг бош қўй-эчки бонитировка қилинади.

4. ВЕТЕРИНАРИЯ ИШЛАРИ БЎЙИЧА:

— 20 апрелга қадар колхоз ва совхозларда барча қорамолларни «О» ва «А-22» типидаги оқсил касаллигига қарши эмлашни тугаллаш, май ойида эса икки ёшгача бўлган қорамолларни «А-48» типидаги оқсил касаллигига қарши эмлаш талаб этилади;

— апрель ойида областдаги барча район ва шаҳарларда хизматда ва хўжаликда фойдаланиладиган барча итлар эмланиб, қутуриш касаллигига қарши ойлик профилактика ишлари амалга оширилиши керак;

— молларда учрайдиган бруцеллёз, туберкулёз, гемоспориднюз ва гельминтоз касалликларининг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини ўтказиш таъминлансин;

— урғочи молларнинг қисир қолишини тугатиш ва сут сифатини яхшилаш учун профилактика ишларини кучайтириш лозим.

1 июлга қадар барча хўжаликларда биринчи сортга топшириладиган сутлар миқдорининг 85 процент, иккинчи сорт сутнинг эса 15 процент бўлишини таъминлаш зарур.

БИЗ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИГА ЭРИШАМИЗ

В. И. ЛЕНИН.

БУЮК ПОЧИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЛУҒ доҳий Владимир Ильич Ленин буюк почин деб атаган шанбаликлар ўзининг ажойиб, бой мазмунли тарихига эга. Унинг илдизлари Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги дастлабки йилларга тўғри келади. Бу ҳаракат биринчи жаҳон уруши, ундан кейинги гражданлар уруши вақтида вайрон бўлган мамлакат халқ хўжалигини тиклаш, ёш совет давлатининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун кураш кенг кўламда бошланиб кетган бир пайтда пайдо бўлган эди.

1919 йилнинг апрелида Москва-Сортировочная депосининг 13 коммунисти ва уларга ҳайриҳоҳ бўлган икки ишчи мамлакатимиз тарихида биринчи бўлиб шанбаликка чиқдилар. Албатта, улар ўша вақтда жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ватанпарварлик ҳаракатини бошлаганларини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Ўз Ватани, ундаги барча бойликларнинг ҳақиқий эгалари бўлиб қолган, эксплуататорларнинг зулм-истибдодидан халос бўлган бу темирйўлчилар ўз меҳнатлари эвазига қандайдир мукофот олиш, ундан моддий манфаатдорлик кўришни ҳеч ўйлашмаган эди.

Бу ватанпарварлик ҳаракатининг халқ хўжалигини тиклаш, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигини улуғ доҳий дарҳол пайқади. У ёш совет мамлакати меҳнаткашлари онгидаги бу ўзгаришни буюк почин деб атади ва уни ҳар томонлама кенг оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Совет кишилари В. И. Ленининг юксак баҳосига сазовор бўлган ана шу ватанпарварлик ҳаракатини муттасил кенгайтириб ва такомиллаштириб бормоқдалар. Кейинги беш йилликларда вужудга келган стахановчилик ҳаракати, социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат тантанаси учун кураш унинг узвий давоми бўлди.

Совет кишилари мамлакатимизда бўлиб ўтган биринчи коммунистик шанбаликнинг ярим асрлигини меҳнат байрами сифатида нишонладилар ва ҳар йили апрель ойи шанба кунларининг бирида ишчи коржомасида меҳнат байрамига чиқишга қарор қилдилар. Бу йилги умумхалқ хашари улуғ доҳий туғилган куннинг 106 йиллигига бағишлаб ўтказиляпти.

Туркистон ўлкасида дастлабки шанбаликлар бундан роппароса 57 йил илгари бўлиб ўтган эди. Бу ҳаракатга биринчи бўлиб темирйўл устахонаси ишчилари қўшилишди. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораверди. Шанбаликлар иштирокчилари халқ хўжалигини тиклашда фаол қатнашдилар. Қатор паровозлар ва вагонларни ремонтдан чиқардилар. Ўша вақтдаёқ Тошкент партия комитетининг қарори билан шанбаликлар ўтказувчи маҳсус бюро таъсис этилди. Бу бюронинг актив фаолияти туфайли шанбаликлар янада кўтаринки руҳ билан ўтадиган ва байрам тусини оладиган бўлиб қолди. Ишчи коммунистларнинг кучғайрати ва ташаббусидан ўрнак олган оддий меҳнаткашлар ҳам шанбаликларда тобора кўпроқ қатнашадиган бўлиб қолишди. Шу куни улар янгича ишлашни ўрганишди. Меҳнатда рекорд кўрсаткичларга эришдилар. Уларнинг куч-ғайрати билан халқ хўжалигини тиклаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга ошириладиган бўлди.

1920 йилнинг апрель ойида «транспорт ҳафталиги» ўтказилди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлган ана шу ҳафталик мобайнида темир йўллар, паровоз ва вагонлар ремонтдан чиқарилди. Ҳафталик Тошкент паровоз депосида самарали ўтди. Юзлаб ишчи-хизматчилар унда қатнашдилар. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган юкларни белгиланган манзилларга тезроқ ташиб берилишига кўмаклашдилар.

Шанбаликлар тарихга совет кишиларининг революцион анъаналарга содиқлигини ёрқин намойиш қилувчи саҳифалар сифатида кирди, кенг меҳнаткашлар оммасининг озодлигини ва ўз Ватани билан фахрланиш, Коммунистик партия ишига содиқлик ҳис-туйғуси ниҳоятда юксаклигини амалда кўрсатмоқда.

Областдаги барча меҳнат коллективлари бу йилги шанбаликнинг зўр уюшқоқлик билан, меҳнатда юксак самарадорликка эришиш, саноат маҳсулотининг анчагина қисмини тежалган ҳом ашё ва материаллар ҳисобига ишлаб чиқариш шиори билан ўтказишга аҳд қилганлар. Шу мақсадда барча корхоналар ва ташкилотларда, муассасалар ва идораларда, колхозлар ва совхозларда аниқ режалар тузиб олинди. Минглаб ишчилар ва юзлаб коллективлар шанбалик куни оддий иш кунларидагига нисбатан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда бердилар. Биргина «Ташсельмаш» заводида шанба куни 5700 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи иштирок этади. Коллектив 77 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаради. Тошкент трактор заводи коллективи эса зарбдор вахтада туриб ишлайди. Бугун ҳар бир ишчи нормани ками билан 105 процентдан бажаради. Қисқаси, деярли барча коллективлар шанбаликда юқори меҳнат кўрсаткичларига эришадилар.

Бу билан областимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшадилар.

Қ. РАҲИМОВ,
Тошкент область касаба союзлари совети инструктори.

ТОШКЕНТ экскаватор заводининг коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили план-топшириқларини муваффақиятли бажариш учун барча имкониятларни сафарбар этиб меҳнат қилмоқда. Дастлабки натижалар чакки эмас. Ойлик ва квартал планлари ортиғи билан адо этиляпти.

Корхонада ишдан бўш пайтларда ва тушки танаффус вақтида снёсий ахборот машғулотларини ўтказиш намунали йўлга қўйилган. Машғулот қатнашчилари снёсий ахборотчиларнинг суҳбатларини тинглаб, сўнгги куи снёсий ҳаёти ва бошқа муҳим воқеалар билан танишадилар: Суратда: механика цехида машғулот пайти.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ВАТАНПАРВАРЛИК НАМОЙИШИ

Москвалик саноатчиларнинг шу йилнинг 17 апрелида улуғ доҳий Владимир Ильич туғилган кунининг 106 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуслари областимиздаги барча шаҳарлар ва районлар меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Улар шанбаликнинг ҳар томонлама юксак сазнида ўтиши учун пухта ҳозирлик кўрдилар. Қуйида мухбиримизнинг шу ҳақдаги уч суҳбатини келтирамиз.

ОЛМАЛИК

— ШАҲРИМИЗ меҳнаткашлари москваликларнинг шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусига якдиллик билан қўшилдилар,— дейди **Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Муҳамедов.** — Шу муносабат билан конлар ва корхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда кўпкишилик митинглар бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари умумхалқ хашари куни амалга оширадиган ишлари режаларини тузиб олишди. Кўпчилик коллективлар фақат аъло сифатли маҳсулот бериш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулотларнинг анчагина қисмини йил бошидан бери тежаб қолинган ҳом ашё ва материаллар ҳисобига ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Бугун барча корхоналар ва ташкилотларда меҳнат байрами мавж уради. Ун минглаб ишчи-хизматчилар меҳнат постларида бўлишади. Улар минглаб тонна маъдан қазиб чиқарадилар. Юзлаб тонна мис, қўрғошин, рух ва бошқа нодир рангли металлар ишлаб чиқаришади. 40 тонна металл конструкциялари тайёрланади. Тикувчилик фабрикаси коллективи 650 та болалар кўйлагини қўлдан чиқаради. 90 комплект мебель жиҳозлари тайёрланади. Дастлабки ҳисобларга қараганда шаҳар бўйича шанбаликда 450 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари қурилиш майдонларида бунёдкорлик ишлари ҳам авж олади. Шаҳардаги барча бинокорлик ва монтажчи ташкилотлар коллективлари шанбаликда фаол иштирок этадилар. Саноат объектлари, уй-жойлар қурилишини давом эттиришади. Ками билан 80 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишади.

Шанбалик куни меҳнат постида бўлмаган 28 минг олмалиқлик шаҳарни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. Улар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар территорияларини тозалашади, ирригация шаҳобчаларини тартибга келтиришади. Кўплаб манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказишади, янги гулзорлар ҳосил қилишади. Шанбалик куни тушган маошнинг ҳаммаси ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади. Шу кунги иш ҳақи миқдори эса ками билан 65 минг сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

АНГРЕН

— АНГРЕНЛИКЛАР она-Ватанимиз пойтахти илғор корхоналари коллективларининг Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш ҳақидаги чақириқларини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар,— деди **шаҳар касаба союзлари Совети раиси Л. Н. Сидорова.** — Ҳамма корхоналар ва ташкилотларда шанбаликка пухта тайёргарлик кўриш юзасидан митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу анжуманларнинг иштирокчилари халқимизнинг ана шу ажойиб анъанасига содиқ эканликларини яна бир бор намойиш қилдилар. Улар КПСС XXV съезддининг совет кишилари фаровонлигини ошириш ҳақидаги тарихий қарорларига жавобан умумхалқ хашарини самарали ўтказишга қарор қилдилар.

Шаҳар бўйича қизил шанбаликда салкам 50 минг ишчи ва хизматчи, инженер-техник ходимлар, студентлар, бинокорлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари иштирок этадилар. 8 минг 570 киши меҳнат қучоғида бўлади. Улар салкам 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Биргина керамика комбинати коллективи шартли 400 метр қувур, 850 квадрат метр метлах, 620 квадрат метр пештоқ, 750 квадрат метр пардоз плиталари, 450 та санитария-техника керамика буюмлари, 500 сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадилар. Бу оддий иш кунларида тайёрланадиган маҳсулот миқдорига қараганда анча кўпдир. Шахтёрларимиз 13 минг тонна кўмир қазиб чиқарадилар. Бу кунлик планда назарда тутилганидан 2 минг тонна кўпдир. Давлат районлараро электр станцияси, гўшт комбинати, сут заводи, юк ортиш-транспорт бошқармаси, марказий ремонт заводи ва бошқа корхоналар коллективлари ҳам анча кўп ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Бинокорларимиз юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишади. Шу куни салкам 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Транспортчилар минглаб тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб берадилар.

Шаҳримиз меҳнаткашлари катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини ҳам амалга оширадилар. Улар 9,5 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 20 минг та манзарали буталар, 10 минг туп гул кўчатлари ўтказадилар. Корхоналар ва ташкилотларнинг 100 минг квадрат метрдан ортиқ территорияси, 21 километр узунликдаги ирригация шоҳобчалари тозаланади. 300 тоннадан ортиқ металлом йиғадилар.

БЕКОБОД

— БУГУН шаҳримиз меҳнаткашлари бир жон, бир тан бўлиб коммунистик шанбаликка чиқадилар, — дейди **Бекобод шаҳар касаба союзлари Советининг раиси В. Бабочкин.** — Шаҳардаги барча 96 та корхона, ташкилот ва муассаса коллективлари меҳнат байрамида фаол қатнашади.

Умуман шаҳар бўйича шанбаликда 35 минг киши иштирок этади. 8 мингдан ортиқ киши саноат корхоналарида, 1000 киши қурилишда ишлайди. Буидан ташқари минглаб ишчи-хизматчилар, талабалар ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида қатнашадилар.

Коммунистик шанбалик куни пландагидан ташқари 170 тонна пўлат ва прокат, 30 кубометр темир-бетон буюмлари, 60 тонна цемент, 10 тонна тола, 800 кубометр норуда материаллар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Айрим корхоналарнинг ишчилари шахсий мажбуриятлар асосида меҳнат қилишади. Масалан, КПСС XXV съезди делегати В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси М. Ёдгоров бугун смена топшириғидагидан ташқари 20 тонна пўлат эритади. Унинг касбдоши Р. Нуржоев ҳам худди шундай мажбурият асосида ишлайди. «300» прокат станининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Нуриддинов раҳбарлигидаги сменаси пландагидан ташқари 30 тонна пўлатни прокат қилиб беради.

Шу куни саноат маҳсулоти оддий кунлардагига нисбатан салкам 60 минг сўмлик кўп ишлаб чиқарилади. Қурилиш-монтаж ишлари олиб боришдаги бу кўрсаткич эса 8,3 процент ортиқ бўлади. Автотранспорт хўжаликлари коллективлари эса оддий кунлардагига нисбатан 66 тонна кўп юк ташиб берадилар.

Шанбаликда тушиши мўлжалланган 38 минг сўмлик иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИГА— ЯНГИ ШИФОХОНА

Тома-тома кўл бўлади, ирмоқлар қўшилиб дарёга айланади. Шанбаликни ҳам шу жиҳатдан наинки дарёга балки улкан денгизга қиёс қилиш мумкин. Бир киши смена давомида беш сўм маош ишласа, минг кишиники беш минг сўм, миллион кишиники... бу миллионлар қаёққа сарфланяпти? Халққа, демакки, ўша кишиларнинг ўзларига. Халқ фаровонлиги — партия фаолиятининг олий мақсади. Мисол излаб олисга бормайлик. Шундоққина Тошкент шимолида, Юнусободнинг марказида кўп профилли болалар шифохонаси қад ростлаяпти. Шанбаликда тушган маблағдан 3,5 миллион сўм ажратилган эди.

— Лойиҳа бўйича 3,5 миллион сўм эди, бу йил лойиҳадагига қўшимча яна 200 ўринли янги корпус учун пойдевор қўйишга тайёргарлик кўряпмиз, — дейди 4-трестнинг 4-қурилиш оошқармаси прораби А. Фролов. — Чамаси, умумий комплекс учун жами 6 миллион сўм атрофида сарф булади.

Вақтинча ўрнатилган омонат дарвозадан атрофи бетон девор билан ўралган катта территорияга киришингиз билан қурувчиларга кузингиз тушади. Улар поликлиникининг кираверишиўйлаги ва қабулхонасини қурияпти. Поликлиника бир кунда 500 болага хизмат курсата олади. Унинг биноси тўла тикланди. Яқин кунларда бино пардозловчилар қулига топширилади. Поликлиникани шу йилнинг охирида ишга туширишбелгиланган. Ундан наркоқда касалхона корпуслари қад кўтарган.

— Қурилиш ишларининг тўқсон фоизи бажарилди, — дейди А. Фролов, — энди йирик ишлардан фақат корпусларни бир-бири билан туташтиришимиз қолди. «А» билан «Д» ҳамда «В» билан «Г» блоклари ўзаро туташтирилиб, йўлак барпо этилади. 300 ўринли касалхона шунда яхлит ҳолга келади. Уни 1977 йилнинг сўнгги кварталида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Неъмат Абдуллаевнинг 34 кишидан иборат комплекс бригадаси аъзолари улкан объектнинг барча участкаларига тарқаб кетишган. Қурилиш штаб идораси утган йили вагонда жойлашган эди. Ҳозир мўъжазгина уйчада. Бу уйчада ўн-ўн беш минут ўтирган киши фақат мазкур объектдаги ҳаёт билан эмас, балки бутун Юнусобод массиви бунёдкорларининг иши билан қисман бўлсада танишиши мумкин. Рация бир зум ҳам тинчим билмайди. Дам у, дам бу объект тилга олинади, маслаҳатлашилади, топшириқ олинади, қурилиш материаллари ва хомашё сўралади, жавоб берилади.

Суҳбатимиз бўлинди. Прораб ўрнидан туриб рация трубкасини олди:

— Мен биринчи, мен биринчи, биринчи эшитади.

— Салом, Саша, бетон қоришмаси юборяпман.

— Раҳмат, Зоя, жуда вақтида келадиган бўлди. Бригадиримиз ҳозир шу қоришмани сўраб турганди.

— Қоришма тайёрлайдиган узелимиз массивнинг А-1 кварталида жойлашган, — деди Александр трубкани жойига қўяркан, — диспетчер Зояга кунн билан тинчлик йўқ: бетон қоришма — қурилишнинг нони.

Касалхонанинг лойиҳадаги барча беш корпуси тиклаб бўлинди. Бундан ташқари, қабулхона, оналар ва болалар корпуси, «Ветерок» кафеси бинолари ҳам қад ростлади. Бу, Иттифоқда ягона экспериментал шифохона. Ҳозирги мавжуд шифохоналардан бирқанча афзалликлари билан фарқ қилади. Афзалликларининг энг асосийси — ҳар бир бемор учун мўлжалланган мандонинг катталигидир.

Объектда иш қизғин давом этмоқда. Шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига касалхона бунёд этаётган азамат бунёдкорлар 17 апрель — Коммунистик шанбалик куни ўз меҳнат постларини эгаллайдилар.

— Қизил шанбаликда биз бошқа ҳамкасбларимизга намуна кўрсатиб ишлашимиз керак, — дейди бригада бошлиғи, ветеран қурувчи Н. Абдуллаев. — Шундай ишлаймиз ҳам. Ўзаро маслаҳатлашиб, шанбаликда одатдаги иш нормамизни анча ошириб бажаришга аҳд қилдик. Али Комилов, Володя Кох, Леонид Мешков, Альфия Нурахметова, Турсун Умаров, Михаил Алашев каби пайвандчи, монтажчи, ғишт терувчи, дурадгор ва бетончилар шанбаликда нормани бир ярим баравар бажаришга сўз беришди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ИККИ НОРМА БАЖАРАМИЗ

Колхозимиз деҳқонлари коммунистик шанбаликка пухта тайёргарлик кўрдилар.

Аввало, шуни қувонч билан айтиш керакки, чигит экиш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Деҳқонларимиз тўла гектар учун курашиб, барча имкониятларни ишга солдилар. Ҳосилдорликни ўтган йилдагига қараганда анча ошириш учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Коммунистик шанбалик куни колхозчиларимиз барвақт уюшқоқлик билан ишга чиқиб, ўзларига биркитилган участкаларда меҳнат қиладилар. Биз шу куни бир норма ўрнига икки норма бажариш учун курашамиз.

Дастлаб экилган ерларда чигит униб чиқа бошлади. Маккажўхори майсалари ҳам эртаиндин ёппасига кўзга ташланиб қолади. Механизаторларимиз культиваторларини яхшилаб созлайдилар. Дастлабки кунданоқ ғўза ниҳолларига сифатли ишлов бериш учун курашмоқдалар.

Шанбалик куни ободончилик ишларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Янгидан ташкил этилаётган боғ, токзорларни кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

Хўжалигимизда мўл кўл ҳосил етиштириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кескин ривожлантириш учун курашда ҳар бир киши, ҳар бир касб эгаси актив қатнашади.

С. СОЙМОҚОВ,
Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

ОҚҚЎРҒОН районидаги 13-ўрта мактаб ўқувчилари Ҳамид Олимжон номли колхоз правлениеси территориясида ўз кучлари билан космонавтлар ҳиёбони барпо этишга аҳд қилдилар. Улар айни кунларда бу хайрли ишни қизғин бошлаб юборганлар. Ленинча шанбалик куни эса эрта тонгданоқ барча ўқувчилар ҳиёбон барпо этилаётган ерга тўпланишади. Суратда: колхоз правлениеси раиси Ҳасанбой Эргашев шанбаликни ўтказишга муттасадди қилиб тайинланган Солия Загидулина ва Адима Гайнулина лар билан суҳбатлашмоқда.

И. Зайнутдинов фотоси.

ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН

Ҳар йили баҳорда бошланар хашар,
Бу — Ленин бошлаган Буюк Починдир.
Меҳнат билан гўзал қишлоғу шаҳар,
Дўстлик дастурхони тўкин-сочиндир.
Аньана туснни олди бу удум.
Меҳнат жабҳасида қизиқ букун жанг,
Узин четга олар қайси бир мардум,
Юртимиз ҳуснига берар бўлсак ранг.
Ахир ким ҳам турар қўл қовуштириб,
Қудратли аньана кезар далада:
Хашарга чиққандир тонг саҳар туриб,
Ўқувчи ёшлару минг-миниг талаба,
Қурувчи пешона терини тўкиб,
Янги бир бинога қўйса пойдевор,
Қанча киши гулу-ниҳоллар экиб,
Шаҳримнинг бағрини айлагай баҳор.
Шаҳрим ер остида метро қурувчи
Улкан улушини қўшар беминнат,
Мартен печидаги пўлат қуювчи,
Тухфа этажакдир Ватанга пўлат.
Ватним қудратин оширмоқ учун,
Совга тўплаяжак минглаб қора кўз.
Не ажаб тортолмай қолса гар букун,
Элим совғасини ортган тепловоз,
Ҳа, халқим Ватанинг қудратин ўйлаб,
Меҳнат билан меҳрин этади иньом,
Мислсиз меҳнатнинг уфқини бўйлаб,
Қудратли аньана этмоқда давом!

Али ДИЛ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ҲАР йилгидек бу йил ҳам коммунистик шанбаликни юксак активлик билан ўтказишга анча олдиндан ҳозирлик кўрдик. Район ижроия комитети ҳузурида шанбаликни ўтказиш бўйича штаб тузилди. Барча колхозларда, корхоналар ва ташкилотларда умумхалқ ҳашарида бажариладиган ишлар аниқ планлаштирилди. Хусусан меҳнат байрами кунида «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Коммунист» колхозларида эртаги сабзавот экинларига биринчи ишлов бериш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, шу колхозлар территориясидаги мактаблар ўқувчилари ва ташкилотлар хизматчилари ободонлаштириш, ҳиёбонларни тартибга келтириш ишлари билан шуғулланадилар.

Районимизда ҳаммаси бўлиб 40 мингдан ортиқ киши шанбаликда қатнашади. Айниқса, Қибрай пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинати, «ТашГРЭС», 2-ғишт заводлари бошқармаси коллективлари шу куни алоҳида шижоаткорлик кўрсатиб ишлашга аҳд қилганлар. «Узспецсельстрой» трестига қарашли 33, 23-трестнинг 72-механизацияланган кўчма колонналари, 3-автобаза, «ТашГРЭСстрой» бошқармаси коллективлари қурилиш участкаларида ўн минг сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишларини бажарадилар. Районимиз бўйича шанбалик куни 38 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Мавжуд корхоналар, ташкилотлар ҳисобидан беш йиллик фондига 42 минг сўм ўтказилади.

Бу йилги коммунистик шанбалик ҳаммаёқда меҳнат кўтаринкилиги авж олган, барча совет кишилари қатори районимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бир вазнятда ўтаётганлиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шубҳа йўқки, районимиз аҳолиси доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллиги шарафига ўтказилаётган умумхалқ меҳнат байрамининг юксак самара билан ўтишига эришадилар.

П. САИДАҲМЕДОВ,
Оржоникидзе район ижроия комитети Ташкилий-инструкторлик бўлимининг инструктори.

КАНОП ЭКИШНИ ПУХТА УЮШТИРАЙЛИК

Республикамиз лубкорлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида канап пояси етиштиришни 20 процентга кўпайтириб, йиллик умумий кўрсаткични 300 минг тоннага етказишлари лозим. Экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари чекланганлиги сабабли бундай юксалишга фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришиш мумкин.

Бу масъулиятли ва шарафли вазифани муваффақиятли бажаришга аҳд қилган кўпгина хўжаликлар оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, қимматли ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар. Жумладан, Юқори Чирчиқ лубкорлари 1976 йилда ҳар гектардан 200 центнердан канап пояси олишга сўз бердилар. Район лубкорлари бундай юқори кўрсаткичга эришиш учун мутахассислар тавсиялари ҳамда илғор тажрибаларни ишга соладилар.

Канап тропик ўсимликлар туркумидан бўлганлиги учун ердан униб чиққан дастлабки кунданоқ кўп ҳарорат талаб этади. Шунинг учун ҳам канап экиш муддатини белгилашда оби-ҳаво шароитига жиддий эътибор бериш лозим. Ўзбекистон лубкорлик тажриба станцияси тадқиқотлари натижасига кўра, уруғлик учун канап экиш 5—15 апрель оралиғи, пояси учун эса 10—25 апрель оралиғи энг қулай муддат ҳисобланади. Тажриба шуни кўрсатдики, 15 апрелдан сўнг экилган уруғнинг айрим қисми униб чиқмайди. 15 апрелгача тўла экиб бўлинган ҳар бир гектар майдондан 4—5 центнердан уруғлик олиш мумкин.

Юқори ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири ҳар гектар майдонда 650—800 минг тупдан канап ўсимлигини сақлаб қолишга эришишдир. Якка қатор ва қўшқаторлаб экилганда ҳам ана шундай зичликка риоя қилинса, ҳосилдорлик гектар бошига 190—240 центнерни ташкил этади.

Кўп йиллик тажрибаларга кўра кўпоя учун канапни кенг ва икки қаторлаб экиш, шунингдек, қатор оралиғини 60 сантиметр ҳажмида бир қаторлаб экиш энг самарадор схема ҳисобланади.

Гербицидлардан фойдаланиш ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Прометрин гербицидидан фойдаланиш, айниқса, яхши самара беради. Гербицидлардан экиш пайтида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Препарат миқдори тупроқнинг ҳолатига қараб белгиланади. Таркибида 2,5—3 процент чириндиси бўлган серунум тупроқли майдонларда гектар ҳисобига 1,5 килограмм, чириндиси 0,8—1,3 процент бўлган камқувват тупроқли майдонларда ҳар гектарга 1 килограмм гербицид ишлатиш лозим. Гербициддан агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланилса, бир йиллик бегона ўтлар 70—80 процент камайиб, ҳосилдорлик 11—17 процент ортади, қўл меҳнати 11—20 ишчи кунига камаяди.

Маълумки, канап ўсимлиги минерал озуқаларни истеъмол қилишда кўпгина қишлоқ хўжалик экинларидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам канапни озиқлантириш нормалари ва усуллари илмий асосда белгилаб берилган. Ҳар бир хўжаликда гектар бошига 220—250 килограмм азот, 150—180 килограмм фосфор ва 90—120 килограмм калий солиш тавсия этилади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик министрлиги канап учун ажратилаётган минерал ўғитлар миқдорини сезиларли даражада ошириди. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, бу озуқа моддаларидан агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда, мутахассислар томонидан белгиланган муддатлар ва усулларда фойдаланилгандагина у кутилган самарани бериши мумкин. Канап уруғини экиш билан бир вақтда ҳар гектар ҳисобига 20—25 килограмм азот ва шу миқдорда фосфор озуқаси берилса, ҳосилдорлик 10—12 процент юқори бўлиши аниқланган. Шунинг учун ҳам бу йил областдаги барча хўжаликларда ана шу илғор усулни қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Эндиликда қишлоқ хўжалигига кўплаб аммофос етказиб берилаётир. Ўз таркибида азот, фосфор кўп миқдорда бўлган бу минерал ўғитдан экиш пайтида фойдаланиш яхши самара беради. Бу озуқани уруғдан 4—5 сантиметр чуқурроқ ва шунча масофада узоқроқ қа сепиш лозим бўлади.

Канапни калий билан озиқлантиришга ҳам жиддий эътибор бериш лозим. Чунки канап калий озуқасини жуда кўп миқдорда истеъмол қилиш ҳусусиятига эга бўлганлиги учун бу ўсимлик экилган майдонларда калий элементи кескин камайиб кетади. Агар ҳар гектар ерга 90 килограмм калий ўғити сепилса, ҳосилдорлик 10—12 центнерга ортади.

Сўнгги йилларда уруғ ва кўпоя учун экилган канапни озиқлантиришда тоғ-кон саноати чиқиндиларидан фойдаланиш одат тусига кириб бораётир. Кумушкон ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг чиқиндисидан мунтазам фойдаланиб келаётган хўжаликларда ҳосилдорлик юқори бўлаётир. Бу чиқиндиларни ҳар гектар ҳисобига 200 килограммдан минерал ўғитларга аралаштириб бериш тавсия этилади. Шунда кўпоя учун экилган майдонда ҳосилдорлик 10—15 процент, уруғ учун экилган майдонларда эса 21—23 процент кўпаяди.

Бу йилги шароитда ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири канапни яхши суғоришдирки, бу ишга алоҳида эътибор бериш лозим. Акс ҳолда тола тўпланиши сусаяди ва ҳосилдорлик пасайиб кетади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси илмий ходимлари канапни суғоришнинг оптимал усул ва миқдорини аниқ белгилаш устида жиддий иш олиб бордилар. Кўп йиллик тадқиқотлардан сўнг кўпоя учун экилган канапни тупроқнинг механик таркиби ва ерости сувининг чуқурлигига қараб беш-олти марта, агар ерости сувлари анча чуқурликда жойлашган бўлса, яна ҳам тезроқ суғориб туриш яхши самара бериши аниқланди.

Пойтахт области шароитида ерости сувлари чуқур жойлашган майдонларда канапни 6—7 марта суғориш тавсия этилади. Июлда ва август ойининг биринчи ярмида 10—12 кун, қолган ойларда эса 15—20 кун оралиғида сув бериш мақсадга мувофиқдир. Ерости сувлари яқин бўлган майдонларда июль ва августнинг биринчи ярмида ҳар 12—14 кунда, қолган ойларда эса 20—25 кунда бир марта сув бериш лозим.

Белгиланган агротехника қоидаларига тўғри амал қилган, илғор хўжаликларнинг бой тажрибаларидан фойдаланган колхоз-совхозларда ҳар йили канопдан юқори ҳосил олинмоқда. Бу йил ҳам ўтган йиллар тажрибасидан кенг фойдаланиш ҳар бир лубкор хўжаликнинг шу кундаги муҳим вазифасидир.

Х. НАЗИРОВ,
Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси директори, биология фанлари кандидати.

С. ПАК,
Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз бош агрономи.

Н. АБДУРАЗЗОҚОВА, Ф. САИДБУРХОНОВ,
Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси илмий ходимлари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Бутун мамлакатимиздаги каби областимиз меҳнаткашлари ўртасида ҳам КПСС XXV съезди қарорлари юксак сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат активлигини кучайтириб юборди. Шу кунларда ҳар бир совет кишиси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ҳисобот докладининг катта таъсири билан яшамоқда. Ҳар бир меҳнаткаш партия белгилаб берган улуғвор режаларни фидокорона меҳнат билан амалга ошириш учун интилмоқда, ўзининг бутун қобилияти, билими, тажрибасини ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш учун сарфламоқда.

Меҳнаткашлар ўртасида партия ташкилотлари, минглаб сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар катта иш олиб бормоқдалар. Улар партия XXV съезди кўрсатмаларини бажариш учун съезд ғояларини ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишисига етказиш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Олиб борилаётган агитация-оммавий ишда улар меҳнаткашларнинг маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун янги резервларни излаб топиш йўлидаги социалистик мусобақасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Партия ташкилотларининг вазифаси олиб борилаётган сиёсий ишни янада кучайтиришдан, кишиларнинг ташаббус ва активлигини оширишдан, 1976 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик учун олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдан иборат.

Агитация кадрларининг семинарини ўтказиш тавсия этилади. Бунинг учун қуйидаги мақолалардан фойдаланиш керак: **«КПСС XXV съезди қарорлари ва материалларини пропаганда қилайлик ҳамда ўрганайлик»** («Партийная жизнь» журнали, 7-сон, 3—7-betлар), **«Коммунизмнинг янги ғалабалари сари»** («Агитатор» журнали 6-сон, 2—14-betлар, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталарининг 6 ва 7 апрель сонлари).

Апрель ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланинг:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ

Ленин партияси раҳбарлигида коммунизмнинг янги ғалабалари сари. («Партийная жизнь» журнали, 6-сон, 3—17-betлар, «Ўзбекистон агитатори» журнали 5-сон, 11—14-betлар).

Халқ фаровонлигини ошириш — партиянинг энг биринчи вазифаси. («Коммунист» журнали, 4-сон, 91—99-betлар).

Муҳим тарихий воқеа — («Мировая экономика и международные отношения» журнали, 3-сон, 3—14-betлар).

Бутуниттифоқ ленинчи шанбалик —17 апрель — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги-нга. («Агитатор» журнали, 6-сон, 31—34-betлар).

Мусобақани янгидан авж олдирайлик («Ўзбекистон агитатори» журнали, 5-сон, 25—27-betлар).

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИ, АГИТАТОР, СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

Ленин йўлидан — В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллигига. («Агитатор» журнали, 6-сон, 26—30-betлар).

Меҳнат ва тинчлик байрами —Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик байрами — 1 Май кунига. («Агитатор» журнали, 6-сон, 45—48-betлар).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ

Ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси. («Мировая экономика и международные отношения» журнали, 3-сон, 15—24-betлар).

Интизом, уюшқоқлик ва меҳнат сифати. («Партийная жизнь» журнали, 7-сон, 49—54-betлар).

Ўнинчи беш йилликка — сифатнинг ишчи кафолоти. («Экономика и жизнь» журнали 3-сон, 5—9-betлар).

Ўзбекистон ўнинчи беш йилликда: рақамлар ва фактлар. («Ўзбекистон агитатори» журнали, 5-сон, 15—21-betлар).

Ўнинчи беш йиллик биринчи йилининг бюджети. («Экономика и жизнь» журнали, 3-сон, 15—18-betлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ

Йўлчи юлдуз. («Коммунист» журнали, 4-сон, 81—84-betлар).

Совет турмуш тарзи. («Агитатор» журнали, 6-сон, 39—42-betлар).

Ҳозирги замон капитализми шароитида фан-техника революциясининг зиддиятлари («Мировая экономика и международные отношения» журнали, 3-сон, 58—69-betлар).

Республика фани бугун ва эртага. («Ўзбекистон агитатори» журнали, 5-сон, 8—10-betлар).

Орол денгизини қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин. («Экономика и жизнь» журнали, 3-сон, 58—62-betлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Планетанинг диққат марказида («Коммунист» журнали, 4-сон, 109—118-betлар, «Международная жизнь» журнали, 3-сон, 3—11-betлар).

Социализм мамлакатлари тараққиётининг равон йўли. («Международная жизнь» журнали, 3-сон, 20—30-betлар).

Тинч-тотув яшаш ва антикоммунизм. («Ўзбекистон агитатори» журнали, 5-сон, 28—30-betлар).

Эфирда тарқалаётган қабиҳ гаплар. («Совет Узбекистони», «Правда Востока» газеталарининг 10 апрель сони).

Ривожланаётган мамлакатлар ва жаҳон капитализми. (Мировая экономика и международные отношения» журнали, 3-сон, 35—45-betлар).

Икки система — икки хил турмуш тарзи. («Международная жизнь» журнали, 3-сон, 31—41-betлар).

Халқаро хавфсизлик ва куч ишлатмаслик. («Международная жизнь» журнали, 3-сон, 82—90-betлар).

АҚШда президентлик компаниясининг бошланиши. («Мировая экономика и международные отношения» журнали, 3-сон, 92—98-betлар).

Миср: ҳавфли йўл. («Правда» газетасининг 3 апрель сони).

Пекиннинг гегемонлик сиёсати. («Агитатор» журнали, 6-сон, 49—51-betлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатга тайёрланиш учун вақтли матбуот материаллари, маҳаллий фактлар, мисоллар ва рақамлардан фойдаланинг.

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Мусобақадош Чиноз ва Ўрта Чирчиқ районларининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорлари асосида эътиборни сифат ва самарадорликни оширишга қаратмоқдалар. «ЛЕНИН БАЙРОҒИ» ва «МАШЪАЛ» газеталарининг яқинда чиққан қўшма сони ҳам ана шу муҳим масалага бағишланди. Газета саҳифаларида эълон қилинган материалларнинг ҳаммасида мусобақа давомида туғилаётган янгиликлар, сифат ва самарадорлик учун кураш баён этилган.

Ўрта Чирчиқ район партия комитети секретари У. Йўлдошевнинг «Бир-биримиздан ўрганиб...» мақоласида бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббусига қўшилган коллективлар тажрибаси очиб берилган. Чиноз район ижроия комитети раисининг ўринбосари М. Шоумарова эса мусобақада янгича анъаналар, форма ва методларни шарҳлаб берган.

Газетада эълон қилинган бошқа материалларда ҳам пахтакорлар, қурувчилар, саноат корхоналари ишчи-хизматчиларининг сифат ва самарадорлик учун кураш тажрибалари баён этилган.

МУҲИМ МАВЗУЛАРДА

«ЛЕНИНЧИ» газетасининг «КПСС XXV съезди қарорлари — оммага!» рубрикаси остида берилган саҳифаси Л. И. Брежневнинг «Съезднинг ғояларини ҳар бир коммунистга, ҳар оир совет кишисига етказиш фақат пропагандистлар, лекторлар, докладчиларнинггина эмас, шу билан бирга барча партия актларимизнинг ҳам фахрли бурчидир» деган сўзлари билан бошланган.

Саҳифада Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз сут соғувчиси, КПСС XXV съезди делегати Фарида Аъзамованинг съездан олган таассуротлари, «Қорасув» совхози партия ташкилотининг КПСС XXV съезди материалларини оммага етказишдаги ибратли ишлари, 83-мактаб пропагандисти А. Қурбоновнинг пропагандистлик тажрибаси ёритилган.

«Ленинчи» газетаси муҳим темаларга бағишлаб қатор саҳифалар уюштирмоқда. Навбатдаги саҳифа «Улуғ ва қудратли тил» деб номланган.

«Биз — интернационалистлармиз» саҳифасида эса Калинин районидаги Фрунзе қишлоқ Совети территориясида яшаб меҳнат қилаётган турли миллат вакилларининг ибратли ишлари ҳикоя қилинган. Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети раиси А. Низомхўжаев, «Бўзсув» совхози партия ташкилоти секретари А. Лошкарев, Гагарин номли совхоз бригада бошлиғи К. Усеноевнинг мақолалари айниқса қизиқарли ва ўқимишли чиққан.

Район газетасининг муҳим масалаларни мукаммал ўрганиб, планли равишда кенг ёритиб борини диққатга сазовордир.

ЯНГИЙЎЛДАГИ 3-политехникумнинг бир группа врачлари чигит экиш кампанияси қизғин авж олган кезларда Оққўрғон районидаги далаларида бўлишиб, дала шийпонларининг аҳволини текширдилар, механизатор ва сеялкачиларнинг соғлиғини мунтазам кузатиб бордилар. Ушбу сурат Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз далаларида олинган. Врач Норбия Раҳматуллаева билан медицина ҳамшираси Гулчеҳра Шахрамова механизатор ва сеялкачилар билан суҳбатлашмоқдалар.

И. Зайнутдинов фотоси.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунисти»нинг март—апрель ойлари қўшма сони босмадан чиқди. Журнал КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXV съездида «КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги қилган доклади билан очилади.

Умуман журналнинг қўшма сони партиямизнинг XXV съезди материаллари билан тўлиб чиққан. Журнал саҳифаларидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган якунловчи нутқи, СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигинининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклади, съезд қабул қилган қарорлар ўрин олган.

Журнал сиёсий ва иқтисодий таълим системасида партиямиз XXV съезди материалларини ўрганиш бўйича методик маслаҳатлар ҳам эълон қилган. Бу маслаҳатлар барча тингловчилар ва пропагандистлар учун қимматли қўлланма бўла олади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўқкизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришда ва меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Аббосова Роза Эминжоновна —Тошкент булка-кондитер комбинатининг директори.

Акромов Баҳром — Тошкент булка-кондитер комбинати ишчилар бригадасининг бошлиғи.

Косимхўжаев Ботир Қўчқорович — «Ташкентвино» комбинатининг бош инженери.

Лукьянов Михаил Кондратьевич — «Ташкентвино» комбинатининг слесари.

Муҳиддинов Саид — Тошкент консерва заводининг ишчиси.

Муҳиддинов Сидиқ — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг инспектори.

Нирков Николай Васильевич — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бош бошқармасининг бошлиғи.

Сушков Федор Андреевич — Тошкент тажриба-механика заводининг электр пайвандчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Омонулло Аҳмадалиевич — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бош бошқармасининг бошлиғи.

Дайман Израил Климентьевич — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери.

Кандалова Лидия Филипповна — Тошкент шампан виолари заводининг линия оператори.

Қосимхўжаев Аброр Иброҳимович — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси раисининг ўринбосари.

Пўлатов Абдуфаттоҳ Абдукаримович — «Узрасжирмаслопром» бирлашмасининг бошлиғи.

Рогачев Константин Михайлович —Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг инструктори.

Собирова Ҳадича Рустамовна —«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйиш-жойлаш машиналари машинисти.

Сайдаминов Аъзам — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш печларининг кочегари.

Холхўжаев Хусан — Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари.

Хорев Сергей Геннадиевич — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси республика богдорчилик-узумчилик совхозлари трестининг бошқарувчиси.

Юмакаев Мухамеджо Шокирович — Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасининг слесари.

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гимадутдинова Шафиқ Зиноровна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нонвой мастери.

Ерматова Ширфамд — Тошкент консерва заводининг ишчиси.

Кривцов Александр Кириллович — Тошкент ёг-мой комбинатининг ишчиси.

Мажидов Йўлдош — Тошкент бўлка-кондитер комбинати ишчилар бригадасининг бошлиғи.

Ражабмуҳамедова Светлана Семеновна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйиш-жойлаш машиналари машинисти.

Расулов Раҳматулла Абдуллаевич — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг хамир қорувчиси.

Севастьянова Мария Артемовна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нонвой мастери.

Теленкова Марья Алексеевна —Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасининг ишчиси.

Ҳўжаев Убайдулла Захруллаевич — Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг машина ва ускуналарни созловчиси.

Йўлдошев Турсун—«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Гринайт Абрам Юзефович — Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик институти бош инженерининг ўринбосари.

Зарипова Минзида —Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг пиширувчиси.

Муротова Венера Жумаевна — «Узхлебпром» бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Собиров Карим — Тошкент тажриба-механика заводининг слесари.

Струговщикова Клавдия Кузьминична — «Узплодоовощвинпром» бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Худойберганов Абдураҳмон — Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг бўлим мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Гатаулина Ханифа Собировна — Тошкент картон таралари заводининг ишчиси.

Жуковская Мария Андреевна — Тошкент булка-кондитер комбинатининг қандолатчиси.

Остроухова Нина Васильевна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нонвойи.

Эшонқулова Ҳолисой — Тошкент ёг-мой комбинатининг аппаратчиси.

Йўлдошев Баҳром — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил, 2 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўқкизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари ва меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУРМАТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Шибанов Петр Сергеевич —Оҳангарон «Сантехлит» заводининг металл қуювчиси, муробби.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Норшев Иван Павлович —Ф. Э. Дзержинский номидаги Бекобод цемент комбинатининг слесари, муробби.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Ботирбеков Бахтиёр — Оҳангарон цемент комбинатининг айланувчи печь машинисти.

Бездетнова Дина Алексеевна — Оҳангарон «Сантехлит» заводининг сирловчиси, муробби.

Кочетков Вячеслав Николаевич — Оҳангарон цемент комбинати айланувчи печь машинисти.

Мадраимов Халил — Ангрен керамика комбинатининг ишчиси, муробби.

Тараканова Аклима Файзулловна — Чирчиқ 9-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Буджерак Михаил Иванович — Оҳангарон цемент комбинатининг директори.

Гаффоров Тоҳир — «Бекабадцемремонт» корхонасининг ишчиси.

Иванов Михаил Васильевич — Ф. Э. Дзержинский номидаги Бекобод цемент комбинатининг мастери.

Мокшанова Валентина Александровна — Оҳангарон «Сантехлит» заводининг бош экономисти.

Насибулин Анвар Гиниятович — Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинатининг бош инженери.

Понохарева Анастасия Гавриловна — Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинатининг аппаратчиси, муробби.

Сенокосов Борис Семенович — Чирчиқ ойна заводи пех бошлиғининг ўринбосари.

Шагиева Нафига — Ялангоч 2-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Шешеня Анастасия Ивановна — Ангрен керамика комбинатининг бош инженери.

Эмиров Ҳайдар — Бекобод норуда материаллар заводининг экскаватор машинисти, муробби.

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонов Баҳодир — Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинатининг ишчиси.

Городский Александр Федорович — Оҳангарон цемент комбинати қолиплаш машиналарининг катта машинисти, муробби.

Жалилов Гиниятулла Хисамутдинович — «Цемтеплострой» Тошкент ихтисослашган бошқармасининг гишт терувчиси.

Исаев Бобо —«Цемтеплострой» Тошкент ихтисослашган бошқармасининг гишт терувчиси.

Касаткин Дмитрий Александрович — «Бекабадцемремонт» корхонасининг мастери.

Муродов Георгий Иосифович — Ангрен керамика комбинатининг мастери.

Назаров Нишонбой — Ангрен қурилиш материаллари комбинати экскаватор машинистининг ёрдамчиси, муробби.

Сандов Олмат — Янгийўл 8-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси, муробби.

Тараненко Петр Зиновьевич — Чирчиқ ойна заводининг ишчиси.

Тульчикова Валентина Михайловна — Ф. Э. Дзержинский номидаги Бекобод цемент комбинатининг катта мастери.

Утбосаров Ҳамроқул — Ф. Э. Дзержинский номидаги Бекобод цемент комбинатининг машинисти.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аркатов Олег Вячеславович — Олмалиқ тошга ишлов бериш комбинатининг кран машинисти.

Горд Галина Александровна —Оҳангарон цемент комбинатининг цемент тегирмонлари машинисти.

Михайлов Геннадий Михайлович — меҳнаткашлар депутатлари Бўстонлиқ район совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Писарева Мария Михайловна — Оҳангарон «Сантехлит» заводининг қолип йиғувчиси, муробби.

Сагадиева Файзия Муллахметовна — Ангрен керамика комбинатининг қуювчиси.

Труфанова Валентина Александровна — «Бекабадцемремонт» корхонасининг электр пайвандчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Богатикова Мария Сергеевна — Оҳангарон цемент комбинатининг ишчиси.

Воронина Тамара Яковлевна — Ўзбекистон Компартияси Бекобод шаҳар комитетининг секретари.

Гилязов Илдуз Гарафович — Келес 7-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Гординец Станислава Антоновна — Олмалиқ 6-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Мирзаҳметов Мираҳмад—Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинатининг гишт арраловчиси, муробби.

Пешчеров Анатолий Петрович — Оҳангарон цемент комбинатининг асботруба машиналари машинисти.

Сурков Александр Дмитриевич—«Оҳангарон Стройпластмасс» комбинатининг слесари, муробби.

Шаипов Зелимхон Хасанович — Чиноз шагал-қум карьери слесарлар бригадасининг бошлиғи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Дармадехин Николай Александрович — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг слесари, муробби.

Масленников Николай Александрович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг бўлим мудири.

Тожиев Комил —Тошкент тажриба-механика заводининг қолипловчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Одилқориев Тўхтамурод Зуннунович — «Ўзбекмрамор» саноат бирлашмасининг бошлиғи.

Гильясов Мухамбар — Тошкент 5-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Кротова Зоя Егоровна — Тошкент тажриба-механика заводининг ишчиси.

Мирзабеков Борис Григорьевич —Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министри.

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Кудакаев Ягафар Мансурович — Тошкент 3-гишт заводлари бошқармасининг слесари.

Туронов Собир — Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг 1-автобаза ҳайдовчиси.

Хромова Мария Ивановна — Тошкент экспериментал мрамор заводининг силиқловчиси, муробби.

Шокиров Наби — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг ишчиси, муробби.

(Давоми бор).

(Боши газетанинг 13 апрель сонида).

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Чет эл газеталари КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил 1 Май чақириқлари эълон қилинганини хабар берди. Оммавий информация воситалари Европа мамлакатлари халқлари Умумевропа кенгашининг якунловчи ҳужжатини тўла амалга оширишга, Европада тинч ҳамкорликни ҳар жиҳатдан ривожлантиришга чақирилганлигига эътиборни жалб этмоқда. Франс пресс агентлиги жаҳон халқлари халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, уни ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг конкрет формасига айлантириш учун курашга чақирилганлигини алоҳида уқтириб ўтади. Шу агентлик жаҳон халқари халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик қонун бўлиб қолиши учун, ядро қуролини абадий ман этиш учун курашга чақирилганлигини уқтириб ўтади. Газеталар Чехословакия Коммунистик партияси XV съезди ишини ёритмоқдалар. Прагадаги «РУДЕ ПРАВО» газетаси «Ленин йўлидан» сарлавҳали мақоласида ЧКП Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ўтган даврдаги ривожланишга баҳо берибгина қолмай, аввало ривожланган социалистик жамият қурилиши программасини белгилаб берганлигини таъкидлайди. Бу доклад яқин беш йилда барча партия ташкилотлари учун, бутун сиёсий система учун йўлланмадир, деб ёзади. Биз бундан буён ҳам Ленин кўрсатган йўлдан бораверамиз, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатларнинг, жаҳондаги прогрессив кучларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва ёрдамига суянаверамиз, деб ёзади газета.

«УНЭН» газетаси Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда МХР халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида МХРП XVII съездига тақдим этган лойиҳасида белгиланган вазифаларни таҳлил этган.

«БЕРЛИНЕР ЦАЙТУНГ» (ГДР) газетаси Жанубий Африка республикаси ирқчи режимининг бошлиғи Форстернинг яқинда Тель-Авивга қилган визитини шарҳлаб, Исроил ҳукмдорларининг Жанубий Африка ирқчилари билан яқинлашганлиги Африкада ва Яқин Шарқда тинчлик ишига хавф туғдиради деган хулосага келади. Ҳар иккала давлат ирқчилик сиёсати олиб борганликлари ва агрессив ҳаракатлари учун оғир неча марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қораланган эдилар. Улар жаҳон миқёсида тобора яккаланиб қолмоқда, деб ёзади газета.

Чет эл матбуотида Испаниядаги, Аргентина ва Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида хабарлар босилган.

(ТАСС, 15 апрель).

ЭРНСТ ТЕЛЬМАН ХОТИРАСИ

ГАМБУРГ, 15 апрель. ТАСС мухбири А. Тюпаев хабар беради: Германия Федератив Республикасининг тараққийпарвар жамоатчилиги шу кунларда немис ишчилар синфининг йўлбошчиси Эрнст Тельман туғилган куннинг 90 йиллигини кенг нишонлямоқда. Тельманнинг ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғланган Гамбург шаҳридаги ишчи клубларидан бирида тарихий санага бағишланиб тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Германия Коммунистик партиясининг раиси Г. Мис йиғилишда сўзга чиқиб бундай деб таъкидлади: Э. Тельман халқаро ишчилар ҳаракати тарихига атоқли коммунист ва меҳнаткашларнинг раҳбари сифатида, изчил революцион ва ишчилар синфининг иши учун курашчи сифатида кирди.

Германия Коммунистик партияси Э. Тельман васиятларига амал қилган ҳолда ишчилар синфининг бирлиги учун астойдил курашмоқда, Германия Федератив Республикаси кескинликни юмшатиш сиёсатининг давом эттирилишида актив қатнашишини ёқлаб чиқмоқда,

Г. Мис, Л. Корвалан, Чилидаги барча сиёсий маҳбуслар озод этилишини талаб қилди.

Йиғилишда Германия Коммунистик партияси, касаба союзлари активлари, немис ишчилар ҳаракати ветеранлари, ишчилар, ёшлар қардош коммунистик партияларнинг намояндалари, шунингдек КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари А. С. Черняев иштирок этдилар. Йиғилишда Тельманнинг қизи —Ирма Габель-Тельман қатнашди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтининг меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган тиғиз социалистик мажбуриятларни бажариш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар. Улан-Батор саноат корхоналари мамлакатга пландан ташқари 10 миллион тугриклик маҳсулот етказиб беришни мўлжалламоқдалар, бунда ана шу маҳсулотнинг 40 проценти тежалган материаллардан ишлаб чиқарилади.

● ТОКИО. Япония уй бекаларидан ҳар ўн кишидан тўқ қизгаси нарх-навонинг тинмай ошиб бораётганлиги ўз оилаларининг ҳаётига энг кўп қийинчилик келтираяпти, деб ҳисоблайди. Япония иқтисодий планлаштириш бюроси ўтказган текширишларнинг маълумотларига кўра, 1975 йилда нарх-навонинг ўсганлиги сабабли Япония меҳнаткашларининг реал даромади 4 процент камайди ва ҳар беш оиладан бири қарз олиб яшашга мажбур бўлди.

● РИМ. Кеча миланда анъанавий 54-халқаро ярмарка очилди. Ярмаркада 83 мамлакат компаниялари, фирмалари ва савдо бирлашмалари иштирок этмоқда.

Совет Иттифоқи Милан ярмаркасига ғоят хилма-хил, турли-туман ва диққатга сазовор маҳсулот келтирди.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг шарқий соҳилидаги энг йирик портларидан бири бўлган Филадельфия шаҳри портида Пенсильвания штатида иш тўхтаб қолди. Янги меҳнат шартномаси тузилишини талаб қилаётган порт соҳилари забастовка эълон қилдилар.

(ТАСС, 15 апрель).



АВСТРАЛИЯ. Сиднейда бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари мамлакат ҳукуматининг АҚШ таъсирини сақлаб туришга йўналтирилган сиёсатини танқид қилдилар.

Суратда: намойиш пайти.

ЮПИ-ТАСС телефотоси.

Ватан учун жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотирасига неча ўнлаб шаҳарларимизда ҳайкаллар, неча минглаб қишлоқларимизда жанговар шуҳрат ёдгорликлари ўрнатилди. Волгоград ва Ленинградда, Москва ва Смоленск атрофида, Белоруссия ва Украинада, Болтиқбўйи республикаларида ва Кавказда улуғвор монументлар қад кўтарди. Булар совет кишилари қаҳрамонлар хотирасини чексиз иззат-ҳурмат қилаётганликларидан далолат беради.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

МАНГУЛИК ОБИДАЛАРИ

Тошкент области шаҳар ва қишлоқларида, район ва посёлкаларида, колхоз ва совхозларда, боғ ва ҳиёбонларида салобат тўкиб турган улуғвор ёдгорликлар, монументлар, обелисклар халқимизнинг Улуғ Ватан урушида жон фидо қилган қаҳрамонларга бўлган самимий иззат-ҳурматининг ифодасидир.

Ўтган йили совет халқи, бутун дунё халқлари Совет қуролли кучлари ва совет халқи эришган Буюк ғалабанинг 30 йиллигини кенг нишонладилар. Областимиз меҳнаткашлари ҳам шу санага бағишлаб қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштириш борасида кўпгина ишларни қилдилар. Областимизда ўндан ортиқ ёдгорлик, ҳайкал, монумент, обелисклар қад кўтарди.

Буюк ғалаба — қўлларига қурол олиб жанг майдонларида ҳаёт-мамот учун курашган жангчиларимиз ва фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилган ишчилар ва колхозчилар, аёллар, ўсмирларнинг ҳамдардлиги, фидоийлигининг самараси, 1941—1945 йилларнинг оғир, даҳшатли дамлари, кишиларимиз кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлар авлодлар қалбида бир умрга сақланиб қолади. Халқимиз озодлиги, бахт-саодати учун курашган ана шу кишилар жасорати кўпгина бадиий асарларда, музикада, кинематографияда, рассомлар мўйқаламида, тарих саҳифаларида абадий муҳрланди.

Совет монументал санъати усталари ҳам она-Ватан солдатлари хотирасини абадийлаштириш борасида кўпгина эзгу ишларни амалга оширдилар. Совет солдатининг жасоратини авлод-аждодларга етказишда бу ҳайкаллар, монументлар, обелисклар муҳим аҳамият касб этади. Бу асарлар меҳнаткашларни, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан областимизда ўрнатилган ҳар бир ёдгорлик кўз қорачиғидек сақланмоқда. Уларнинг атрофлари ободонлаштирилиб, гуллар-майсаларга бурканди. Ҳар бир ёдгорлик, ҳайкал, монумент, обелиск оталиққа олинган. Оталиқ корхоналари уларни сақлаш, эъзозлаш ва пропаганда қилишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Областимиздаги монументал санъат асарлари орасида ватандошимиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовга унинг номи билан аталувчи Тошкент районидаги колхоз марказида қўйилган монумент ёдгорлик биз учун азиз ва мўътабардир.

Ёдгорликлар фақат жанглар бўлиб ўтган жойларда, қаҳрамонликлар содир бўлган манзиллардагина бунёд этилмасдан, балки жангчилар киндик қони тўкилган, улар туғилиб ўсган, тарбия топган жойларга ҳам қўйилмоқда. Давлатимиз бу эзгу ишга улкан маблағ сарф қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИИ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ЖАМИЯТИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Улуғ Октябрь шарофати билан Ўзбекистон қучоғида Бекобод, Олмалиқ, Янгиер, Янгийўл каби кўплаб замонавий шаҳарлар қатори химия, энергетика, машинасозлик, металлургия, енгил, озиқ-овқат саноати гигантларининг тўғричи социалистик Чирчиқ шаҳри ҳам қад кўтарди. Гўзал Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида бунёд этилган бу шаҳар билан фахрланамиз. Шаҳар кун сайин гўзаллашиб, чиройнигачирой қўшилмоқда.

Навқирон шаҳарга кираверишда катта йўл ёқасидаги улкан ялангликда ҳашаматли «Турналар...» деб номланган шон-шуҳрат ёдгорлиги кўкка бўй чўзиб туради. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасини эслатиб турувчи бу ёдгорлик шаҳар аҳолиси тўплаган маблағ ҳисобига қурилди. Монумент пойдеворига Улуғ Ватан уруши жангларида ҳалок бўлган бир минг олти юз тўқсон беш чирчиқликларнинг номлари ёзилган капсула қўйилган. Ёдгорлик пойида мусаффо оби ҳаёт чашмаси мавжланиб оқиб туради. Бу оби ҳаёт чашмаси-Ватан учун курашганлар мангу барҳаёт деган ғояни тарғиб этади.

Бу каби муҳташам, хашаматли ёдгорликлар Бекобод ва Оҳангарон шаҳрида, Оққўрғонда, Бўка ва бошқа район, шаҳарларимиз марказларида салобат тўкиб турибди.

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш учун бунёд этилган ҳайкаллар, монументлар, обелисклар, ёдгорлик лавҳалари бир-биридан фарқ қилсалар ҳам, аммо бир ғояни, бир мақсадни тарғиб қиладилар. Улар халқ бошига тушган оғир ва мусибатли дамларни ҳамда қурбон бўлганлар хотираси абадий эканини эслатиб туради, қалбимизда душманга нисбатан чексиз нафрат уйғотади, ҳушёрликка ва ер юзида тинчлик ўрнатиш учун муносиб ҳисса қўшишга даъват этади. Бу ёдгорликлар Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат рамзи, душманларга эса газаб ва нафрат белгисидир. Ёдгорликлар, монументлар, обелисклар, лавҳалар фашизмни тор-мор этиб, ватанимиз шон-шарафини, озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиб чет элларгача миллион-миллион заҳматкашларга эрк йўлини очиб берган совет жангчисига миннатдорчиликдир.

Душманга қарши курашда жон фидо қилган Ватан азаматларининг номлари тарих саҳифаларига олтин лавҳалар билан ёзилар экан, аммо ҳали номлари аниқланмаган жангчилар хотирасига пойтахтимиз Тошкентнинг Парадлар ҳиёбонида «Номаълум солдат қабри» ёдгорлик иншооти бунёд этилди. Бу Ўзбекистон меҳнаткашларининг номлари аниқланмаган жангчиларга бўлган юксак ҳурматининг мангу ўчмас тимсолидир.

Парадлар ҳиёбонидаги номаълум солдат қабри пойида ёниб турган машъалнинг олови табаррук Кремль девори ёнидаги «Номаълум солдат қабри» пойида ёниб турган шон-шуҳрат машъаласидан ёндирилган. Номаълум солдат қабри томон олиб борадиган гранит йўлканинг икки томонидан узун супа устига қаҳрамон шаҳарлар номи ёзилган лавҳалар ўрнатилган. Ҳар бир гранит лавҳа остидан Москва, Ленинград, Киев, Минск, Одесса, Брест, Севастополь, Волгоград, Новороссийск, Керчдан келтирилган ҳалоскор жангчиларнинг хоки билан муқаддас тупроқ солинган капсулалар жой олган.

Областимиз қучоғида бунёд этилган ёдгорликлар катта-кичиккинг муқаддас зиёратгоҳига айлангани бизни беҳад қувонтиради. Меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, интернационалистик руҳда тарбиялаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Улуғ Ватан уруши азаматлари хотирасини абадийлаштирувчи ҳайкаллар монументлар ёнида мактаб ўқувчилари пионерга, йигит-қизлар комсомол сафига ўтишади. Куёв-келинлар ўзларига бахт йўлини очиб берган баҳодирлар пойига гулчамбарлар қўймоқдалар. Ёш жангчилар улар ёнида туриб, Ватанга содиқликлари тўғрисида қасамёд қилмоқдалар. Уруш ветеранлари фидокорлари тўпланиб, ўзлари гувоҳи бўлган жангу-жадаллар, шон-шавкатли дамларни эслашмоқда. Кўпгина ёдгорликлар ёнида шон-шуҳрат музейлари ташкил этилган.

Ёдгорликларнинг халқ ҳаётида муҳим ўрин тутиши Ватан озодлиги, мустақиллиги, бахт-саодати учун курашганлар абадий барҳаёт эканликларидан далолат бериб туради.

Г. Б. ИУЛДОШЕВА,
Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш Тошкент область жамияти Советининг раиси.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Шаҳримизда 35 та ҳунартехника билим юртлари мавжуд бўлиб, уларда 21 мингдан знёд йигит-қиз таълим олмоқда. Бу билим юртлари саноат корхоналари учун ҳар йили минглаб муносиб ўринбосарлар тайёрлаб бермоқда.

Кейинги йилларда ташкил топган 127, 129, 139-ҳунартехника билим юртлари ҳам дастлабки талабаларини ишчилар сафига йўлладилар. Жумладан 139 ҳунар-техника билим юртини битирган 120 ўқувчи заргарлик фабрикасига йўлланма олган бўлса, 60 ўқувчи «Шарқ» мебель фабрикасига, чинни заводига ишга келди.

127-ҳунар-техника билим юртини битирган 100 дан ортиқ ўқувчи «Қизил тонг», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли фирмада ишламоқдалар.

Шаҳар ҳунар-техника билим юртларининг 5 мингдан зиёд талабаси ҳадемай ишчилар сафига қўшилишади.

С. СУЛТОНОВ.

ЎТКИР ЗЕҲНЛИЛАР БАҲСИ

Пискентда область мактаб ўқувчиларининг тарих ва жамиятшунослик фани бўйича олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда Бекобод районидаги Ҳамид Олимжон номли 25-мактаб юқори синф ўқувчиси Меҳриниса Султонова ҳам қатнашиб ғолиблар сафидан ўрин олди ва республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Н. ЖАЛИЛОВ.

Пойтахтдаги қўғирчоқ театри коллективи ўз репертуарини поляк адиби Ян Вильковскийнинг «Тимчо» эртак-спектакли билан бойитди. Бу асар кичкинтой томошабинларга ёқиб қолди. Асарни саҳнага қўйган театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иса Ёқубов яқинда Ленин номли пионерлар саройи аъзолари ҳузурида меҳмон бўлиб, спектаклнинг яратилиши ҳақида гапириб берди.

Суратда: И. Ёқубов пионерлар саройи аъзолари ҳузурида.

А. УСМОНОВ фотоси,
(ЎзТАГ).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПИРРОКСАН

Янги препаратлардан бўлган «Пирроксан» Ленинграддаги «Фармакон» химия-фармацевтика заводида ишлаб чиқарилмоқда. У таблетка ва ампулаларда бўлиб, мия касалликларини даволашда, ҳомиладор аёлларда бўладиган токсикоз, токсидермия, экзема, нейродермит ва бошқа касалликларни туғатишда катта аҳамиятга эга эканлиги амалда исботланди.

●

ОПЕРАЦИЯ ЦИСТОСКОПИ

Бутуниттифоқ медицина приборлари қурилиши институтида янги цистоскоп яратилди. Нур ўтказувчи система сифатида толавий нур узатгичлар қўлланилган бўлиб, у «ОС—100» ёритгичи комплектга киради. Комплектдаги икки оптик труба — операция ва диагностика қўлланмалари асбобнинг функционал шароитларини кенгайтиради.

●

«ГЕЛИЙ—2»

Медицина барокамерларида фойдаланиш мақсадида яратилган янги асбобга ана шундай ном берилди. Унинг хизмати кислород-гелий аралашмасидан нафас олиш учун мўлжалланган. Асбобдан беморлар ҳам, медицина хизматчилари ҳам фойдалана оладилар. Кессон касаллиги ва кислород билан заҳарланишнинг олдини олишда унинг роли катта. Аппарат ярим очиқ контурда ишлаб, кислород-гелий аралашмаси ўтмай қолган тақдирда сигнал беради.

Асбоб Бутуниттифоқ медицина приборлари қурилиши институтида яратилди.

ЕРНИНГ ЯДРОСИ ҚАЕРДА?

Будапешт университети геофизика кафедрасининг мудири, академик Дьерд Барта ҳозирда Ернинг модели ҳақида мавжуд бўлган назарияларга тамомила тескари бўлган янги назарияни яратди.

Д. Барта сунъий йўлдошларнинг орбиталарини таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келди: Ер ядроси сайёрамизнинг марказида эмас, балки шу топгача марказ, деб саналган жойдан Австралия томонга қараб 450 километр нарида жойлашган. Олимнинг айтишича, бу ядро ҳаракатда бўлиб, бу билан Ернинг шаклини ҳам ўзгартиради.

ЁМҒИР ВА ЗАНГЛАНИШ

Ёмғир металлни занглатишдан сақлайди. Инглиз автомобиль бирлашмаси ходимлари ана шундай ғалати хулосага келишди.

Англиядаги 30 мингдан ортиқ автомобилда занглатиш жараёни уч йил давомида текширилиб, бунда мамлакатнинг энг қуруқ шарқий қисми ва Кент графлигида машиналар энг кўп занглаганлиги, ёмғир кўп ёғадиган қирғоқ бўйи жойларда эса камроқ занглаши кузатилган. Мутахассислар фикрича, иқлими қуруқ районларда ёмғир машиналар кузовидан чанг ва лойни ювиб кетмайди, бу эса металларнинг тезроқ занглашига сабаб бўлади.

ЧУҒУРЧУҚ ДУСТМИ Ё ДУШМАН?

Чуғурчуқ дала ва ўрмонларни зарарли ҳашаротлардан асрашда энг фаол ҳимоячи саналади. Аммо, бурноғи йил қишда АҚШнинг баъзи районларида чуғурчуқ шунчалик кўпайиб кетдики, биргина Кентукки штатида улар сони бир неча миллионга етди. Улар самолётлар ҳаракатига тўсқинлик қилиб, далалардаги экинларни нобуд қилиб юборди.

Олимларнинг айтишича қараганда, зараркунанда ҳашарот ва ёввойи ўтларга қарши заҳарли химикатлар керагидан ортиқча қўлланилганлиги чуғурчуқларнинг шу даражада кўпайиб кетишига сабаб бўлган. Ана шу химикатлар таъсирида чуғурчуқнинг табиий душманлари — киргий, бойқуш ва ҳоказолар ҳам деярли ўлиб битган. Чуғурчуқлар эса бу химикатларга қандайдир йўл билан мослашиб, бетаъсир бўлиб қолган.

Спорт

ХОККЕЙЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИДА

Катовицеда хоккей бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида пешқадамлик қилаётган Чехословакия ва СССР командалари навбатдаги ғалабани қўлга киритдилар. Чехословакия хоккейчилари АҚШ командаси билан учрашиб, 10:2 ҳисобида, Совет хоккейчилари эса ГФР командаси билан беллашиб 8:2 ҳисобида устун келдилар. Швеция командаси билан Финляндия спортчилари ўртасидаги учрашув Швеция командаси фойдасига 4:3 ҳисобида тугади.

УЧИНЧИ ТУРДА МАҒЛУБИЯТ

Киевда сув полоси бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси биринчи ва иккинчи тур ўйинларида ғолиб келгандан кейин учинчи учрашувда «Москвич» командасидан 3:10 ҳисобида енгилди.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНЛАРИ

Митрофанов номидаги сув спорти саройида сузувчиларнинг республика шахсий команда чемпионати давом этмоқда. Мусобақа программасининг айрим турлари бўйича ғолиблар аниқланди. 100 метрга эркин усулда сузишда тошкентлик Игорь Красавцев билан навоийлик Лидия Чертовалар ғолиб келиб республика чемпиони бўлишди. 100 метрга чалқанча усулда сузишда эса тошкентлик спартакчи Елена Халманская билан Олмалиқнинг «Меҳнат» командаси аъзоси Евгений Машченко биринчи ўринни эгаллади. 200 метрга брасс усулида сузишда Игорь Сухоруков билан Ирина Курбатова, шу масофага баттерфляй усулида сузишда Марина Григорьева билан Николай Лягин республика чемпиони бўлишди. 400 метрга эркин усулда сузишда эса Ольга Сильюкова билан Александр Хвастуновлар ғолиб чиқишди.

АКА-УКА ПЕШҚАДАМ

«Ёшлик» спорт аренасида гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги учун ва кўпкурашнинг айрим турлари бўйича республика чемпионати давом этмоқда.

Кубок мусобақаларида Тошкентнинг «Динамо» командаси пешқадамлик қилмоқда. Шахсий ҳисобда спорт мастерлари ака-ука Владимир ва Александр Лопаткинлар олдинда боришмоқда.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 —ТОШКЕНТ. 18.05 — «Юлдузча». 18.35 — Мультфильм. 18.45 — СССР халқлари адабиёти. Абдулла Тўқай. 19.25 — **«Ахборот».** 19.40 — КПСС XXV съезди материалларини ўрганамиз. 20.00 — Музикали кўрсатув. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Партия планлари —халқ планлари. 21.30 — **«Вақт».** 22.00 — **«ОЛТИН ВОДИЙ».** 23.20 — Телефильм. 23.45 — МОСКВА. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Бугун—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни. 10.30 — Экран хандаси. 11.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 11.40 — Концерт. 12.10 —**Бонивурнинг қалби** (бадиий фильм, 1-серия). 13.25 — Шанбалик кундалиги. 13.35 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — МОСКВА. **Ҳайвонот оламида.** 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Телефильм. 20.25 — Концерт. 21.30 — Ота-оналар учун консультация. 22.00 — Телефильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — **ДУШАНБА.**

18 апрель, яншанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.40—ТОШКЕНТ. 17.45 — «Малишок». 18.15 — Мультфильм. 18.40 — Халқ контроли экрани. 19.00— **«Ахборот».** 19.15 — Дала ишлари кундалиги. 19.30 — Концерт. 20.00 — **«Ахборот».** 20.20 **Экран хандаси.** 21.00 — МОСКВА. **Футбол:** «Спартак» — «Динамо» (К). 22.45 — **«Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.05 ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Мультфильм. 10.30 — Қувноқ стартлар. 11.30 — Концерт. 12.00 — **Бонивурнинг қалби** (2-серия). 13.10 — Ўқув кўрсатуви. 13.40 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 17.40 — МОСКВА. 18.30 —Телеочерк. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Дўстларимиз чеҳраси. 20.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 21.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 22.00 — **Орқага йўл йўқ** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.00 — **ФРУНЗЕ.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|IV да **Уйланиш,** 18|IV да **Кўрмайин босдим тиконни.**

КИНО

БУГУН

Япония ҳалоқати — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 12.45, 14.30, 16.15, 18.00, 19.45, 21.15), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45), «ВОСТОК» (10.00, 12.00, 14.00, 15.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45), «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00, 14.30, 16.00, 17.30, 19.00, 20.30).

Қордаги уч ниши — «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 20.00), НАВОИЙ номли (10.20, 12.00, 13.40, 15.00, 17.00, 18.40, 20.20), «ДРУЖБА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13.00, 15.30, 17.00, 19.30, 21.00).

Ун бир умид — «ҚОЗОҒИСТОН» (13.00, 17.00, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), «МИР» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), «КУКЧА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.50).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.
Р—13146. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. 2534.